



**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТ ПОРТФЕЛИ
МОНИТОРИНГИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ОРҚАЛИ СИФАТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Аннаев Вахоб Тураевич

"Агробанк" АТБ Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Аннотация. тижорат банклари кредит портфелининг сифат даражасининг пасайиши уларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир қилади, чунки кредитлаш тижорат банклари учун бирламчи аҳамиятга эга бўлган фаолият тури ҳисобланади; иккинчидан, муддатида қайтарилмаган кредитларнинг кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмогининг ошиши банкнинг ликвидлигини кескин пасайишига олиб келади; учинчидан, тижорат банклари кредит портфелини самарали тарзда бошқариш хўжалик субъектларининг кредит маблағларига бўлган эҳтиёжларини қондириш имконини беради.

Калит сўзлар: кредит портфели, кредит мониторинги, муаммоли кредитлар, кредит қўйилмалари, кредит таваккалчилиги, захира, муаммоли кредитлар

Банк актив операциялари ичида кредит асосий ўринни эгаллаб, банк даромадининг катта қисми ҳам айнан шу кредит операциялари орқали келади. Шу сабабли банк кредит портфелининг қандай шаклланиши банк фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади. Банк яхши кредит портфелини шакллантириш ниятида экан, кредитлаш жараёнини туғри ташкил қилиши зарур бўлади.

Маълумки, банк кредит портфелининг мониторингини ўтказиш орқали кредит портфелини ҳолатига баҳо бериш мумкин.

Банк кредит портфели мониторинги - бу кредит ресурсларини рационал жойлаштириш ва ундан самарали фойдаланиш ҳамда берилган кредитлар ва

улар бўйича ҳисобланган фоизларни ўз вақтида ундириб олишни таъминлашга йўналтирилган билимлар, услублар ва чора-тадбирлар мажмуасидан иборат.

Ҳозирги пайтда иқтисодиётни ривожлантиришга йўналтирилаётган банк кредитлар ҳажми ошиши, банк кредитларидан фойдаланаётган турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидаги мижозлар миқдори кўпайиши ва банклар томонидан берилаётган кредитларни оқилона жойлаштириш ва улар самарадорлигини ошириш, берилган кредитлар ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни ўз вақтида ундириб олишни таъминлаш банклар кредит портфели устидан доимий мониторинг олиб боришни талаб этмоқда.

Банк кредит портфели мониторинги жараёни тўрт босқичдан иборат:

- кредитларни расмийлаштиришнинг қонунийлиги ва тўғрилигини назорат этиш;

- берилаётган кредитларнинг мақсадга мувофиқ ишлатилишини таъминлаш ва назорат этиш;

- қарздорнинг ва кафолат берувчининг молиявий ҳолатини, гаровга олинган мулкнинг бутлигини доимий кузатиб бориш ҳамда кредит ва у бўйича ҳисобланган фоизларнинг белгиланган график асосида ундирилишини назорат қилиш;

- кредит ва у бўйича ҳисобланган фоизларни шартномада белгиланган муддатларда тўлиқ ундириб олишни таъминлаш, ўз вақтида ундирилмаган тақдирда зудлик билан кескин чора-тадбирлар белгилаш.

Кредитларни расмийлаштиришнинг дастлабки босқичида, аввало мижознинг тақдим этган бизнес-режаси билан биргаликда унинг молиявий аҳволини чуқур таҳлил этиш лозим.

Кредитни расмийлаштириш жараёнида мижознинг молиявий аҳволини ўрганиш билан бирга, кредитнинг таъминот объектини чуқур таҳлил этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Агар кредит таъминоти сифатида учинчи шахсларнинг кафолати тақдим этилган бўлса, бу шахсларнинг молиявий ҳолати чуқур таҳлил этилиши лозим ва қарздор томонидан баъзи бир сабабларга кўра кредитни ўз вақтида қайтаришда қийинчиликлар туғилган пайтда ушбу

кредитни кафолат берувчи шахсдан ундириб олишга шубҳа бўлмаган тақдирдагина, кафолатни кредит таъминоти сифатида қабул қилиш мумкин.

Агар кредит таъминоти сифатида кўчмас ёки кўчадиган мулкларни гаровга қўйиш таклиф этилса, кредит вақтида қайтарилмаган тақдирда, ушбу мулкларни тезликда сотиб, унлан тушган тушумдан кредит ва ҳисобланган фоизларни тўлиқ ундириб олишга шубҳа бўлмаган тақдирдагина, қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Кредитни расмийлаштиришда ундан фойдаланиш муддатини тўғри белгилаш ҳам жуда муҳимдир. Чакана савдо корхоналарига товарларнинг олди-сотди операциялари учун берилаётган қисқа муддатли кредитларнинг муддати 1-2 ойдан ортиқ бўлмаслиги мақсадга мувофиқдир. Чунки, бундай корхоналарда товар айланиши тез содир бўлади ва кредитни сўндириш, кредитга олинган товарларнинг сотишдаш тушаётган кунлик тушум миқдорида ҳар куни амалга оширилмоғи лозим. Кредит ва улар бўйича ҳисобланган фоизлар ўз вақтида тўлиқ ундириб олингандан сўнг яна кредитга талаб бўлса, янгидан кредитни расмийлаштириш мумкин. Кредит расмийлаштирилгандан сўнг, унинг мақсадли ишлатилишини назорат этиш керак.

Қарз олувчиларнинг молиявий кўрсаткичлари, таъминланганлик қиймати барча кредит ҳужжатларининг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, кредитлар қуйидаги таваккалчилик гуруҳларига киритилади:

- таваккалчилик даражаси кам бўлган кредитлар (таснифланмайдиган кредитлар);
- таваккалчилик даражаси юқори бўлган кредитлар;
- таваккалчилик даражаси чегараланган кредитлар;
- қоидалардан истисно тариқасида бериладиган кредитлар.

Банк доимий равишда хизмат кўрсатаётган мижозларининг фаолиятига доир ахборотларга эга бўлиб, уларнинг кредитга лаёқатлилиги, тўлов интизомига амал қилишлари ҳолатини таҳлил этиб бориб “маълумотлар банки” базасини вужудга келтириб боради.

Банк кредит портфелини таҳлил этишнинг асосий босқичлари қуйидаги www.pedagoglar.org

жадвалда кўрсатиб ўтилган.

1-жадвал

Банк кредит портфелини таҳлил этишининг асосий босқичлари¹

№	Таҳлил этиш бўлимлари	Маълумотлар
1	Кредитлар ҳолати таҳлили	Жорий, муддати ўтган кредитлар, ундирилмаган кредитлар, суд жараёнидаги ссудалар, рўйхатдан чиқарилган кредитлар
2	Кредитларнинг муддатлари бўйича таҳлили	Қисқа муддатли кредитлар Узоқ муддатли кредитлар Овердрафт кредити Контокоррент кредити
3	Иқтисодий соҳалар бўйича таҳлил	Саноат, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес, савдо, давлат транши, микрокредитлар, истеъмол кредити
4	Фоиз ставкалари таҳлили	Имтиёзли фоиз ставкаси Қайта молиялаштириш ставкаси Тижоратли фоиз ставкаси
5	Таъминот тури бўйича таҳлил	Ишончли кредитлар, мол-мулк гарови остида бериладиган кредитлар, учинчи шахс кафиллиги остида берилган кредитлар ва кафолатланган кредитлар
6	Кредитлар сифати таҳлили	Биринчи синф(яхши), стандарт, субстандарт, шубхали ва умидсиз
7	Кредит тарихи таҳлили	Банк ўз маблағлари ҳисобига бериладиган кредитлар, қайта молиялаштириш маблағлари, филиаллараро ва транш маблағлари ҳисобидан берилган кредитлар
8	Кредитларнинг мақсадларига қараб таҳлил этиш	Тижорат кредити Айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитлар
9	Таҳлил жараёнидаги кредитлар ўзгариши динамикаси	Кредит ҳажмининг ўсиши(камайиши), муаммоли кредитлар ҳиссаси ва улар билан ишлаш самарадорлиги, заҳиралар суммаси, кредит активларининг рентабеллиги

¹ Жадвал муаллиф томонидан тайёрланган.

Юқоридаги жадвал маълумотларига асосланган ҳолда шуни айтиш мумкинки, кредит портфели мониторинги мобайнида банк томонидан кредитларнинг ҳолати, муддати, иқтисодий соҳалар бўйича тақсимланиши, таъминот турлари, кредитларнинг сифати ва бошқа кўрсаткичлар бўйича таҳлил ишларининг доимий тарзда олиб борилиши, ўз навбатида кредит портфели сифатига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Кредит портфелини бошқариш банк томонидан кредит портфели таркиби ва унинг сифат таркиби юзасидан доимий назоратни амалга оширишни тақозо этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тижорат банклари кредит портфели тўғри ташкил этиш ва ундан оқилона фойдаланиш учун қуйидаги омилларни ҳисобга олиш лозим:

- Кредитлар бўйича риск даражаси;
- Кредитдан фойдаланиш муддати;
- Кредит қайтарилиш муддати узайтирилиши;
- Кредит ҳажми ва унинг таъминланганлиги;
- Мижознинг молиявий ҳолати, унинг мулк шакли;
- Мамлакат иқтисодиётидаги шарт-шароитлар ўзгариши;
- Инфляция даражаси.

Мазкур омилларни синчиклаб ўрганиб чиқиш ва шунга мувофиқ иш тутиш тижорат банклари учун ўз кредит портфелини самарали бошқариш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Gaur, Dolly, and Dipti Ranjan Mohapatra. 2021. The nexus of economic growth, priority sector lending and non-performing assets: Case of Indian banking sector. *South Asian Journal of Business Studies* 10: 70–90.

2. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш.- Т.: Молия, 2002. -304б.

3. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. Дарслик.-Т.: “IQTISOD-

МОЛИҲА”, 2008.

4. Алавердов А.Р. Стратегический менеджмент в коммерческом банке: учеб. /А.Р.Алавердов. – М.: Маркет ДС, 2007 – 576с.

5. Xolmamatov, F. (2024). Banklar moliyaviy barqarorligini ta'minlashda bank zahiralardan kompleks foydalanish zarurati va amaliyoti. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 1 (8).

6. Холмаматов,Ф. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛИКВИДЛИЛИК РИСКНИ БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari. (2024). Yangi O'zbekiston Taraqqiyotida Tadqiqotlarni o'rni Va Rivojlanish Omillari, 5(1), 375-382.

7. Фарҳоджон Кубаевич Холмаматов. (2024). БАНК ТИЗИМИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЛИКВИДЛИЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАР АСОСИДА БАҲОЛАШ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ. Journal of New Century Innovations, 50(3), 56–64.

8. Холмаматов, Ф. К. (2019). Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш. И. ф. б. ф. д. дисс. автореф. *И. ф. б. ф. д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. –Тошкент.*